



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: info@xs.uz

2013 йил 17 май, № 95 (5769)

Жума

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 16 май куни Оқсаройда Латвия Республикаси ташқи ишлар вазири Эдгарс Ринкевичсни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари мунтазамлик касб этган кенг қўламли Ўзбекистон — Латвия давлатлараро мулоқоти нафақат икки ва кўп томонлама аҳамиятга молик амалий масалаларни кўриб чиқиш, балки долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан очикча фикр алмашаш ва уларни баҳолаш учун ҳам имкон

яратаётганини таъкидлади. Мамлакатларимиз турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорлик, жумладан, “Ўзбекистон — Европа Иттифоқи” алоқалари, халқаро ташкилотлар ва минтақавий тузилмалар доирасидаги муносабатлар бўйича салмоқли тажриба тўплаган. Латвия Ўзбекистон билан



савдо алоқалари ҳажми бўйича ЕИга аъзо давлатлар орасида салоҳиятини ишга солишига ўзаро товар айирбошлаш ҳажми муттасил ошиб бораётгани ҳам тасдиқлайди. 2012 йил якуни бўйича бу борадаги кўрсаткич 243,2 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Транспорт коммуникациялари

соҳасида ҳамкорлик ҳамда томонларнинг йирик транзит салоҳиятини ишга солишига ўзаро товар айирбошлаш ҳажми муттасил ошиб бораётгани ҳам тасдиқлайди. Эдгарс Ринкевич самимий қабул учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдириб, Латвия раҳбарияти

мамлакатимиз билан кўп қиррали ҳамкорликни узоқ муддатли ва прагматик асосда янада ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади. Учрашувда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

(Ў.А.)

Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ Қ А Р О Р И 2013/2014 ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ҚАБУЛ ТЎҒРИСИДА

Умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини касб-хунара коллежларида ва академик лицейларда ўқитиш билан тўлиқ қамраб олишни, республика минтақалари иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларида талаб юқори бўлган касблар ва мутахассисликлар бўйича ўрта махсус, касб-хунара маълумотли кадрларни мақсадли ва сифатли тайёрлашни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида аниқ касблар бўйича касб-хунара коллежлари битирувчиларига амалдаги эҳтиёжни танқидий таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган, 2013/2014 ўқув йилидан бошлаб республика ҳудудларида 26 та касб-хунара коллежлари қайта иxtисослаштиришга доир тақлифлари қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-хунара таълими маркази томонидан манфаатдор вазирликлар ва

(Давоми 2-бетда).

### ПАРЛАМЕНТ ХАЁТИ

Тошкент вилоятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси мажлиси ўтказилди. Унда сенаторлар, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари ва доимий комиссиялари раислари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият ва бошқарув органларининг раҳбарлари, Ўзбекистон Фермерлар кенгаши ва бошқа манфаатдор идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, банк-молия муассасалари ходимлари қатнашди.

## ФЕРМЕРЛИК РИВОЖИНИНГ ПОЙДЕВОРИ

Йиғилишда “Фермер ҳўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижроси юзасидан вилоятда олиб борилаётган ишлар атрофида муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, айни пайтда ҳудудда фермер ҳўжаликлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва самардорлигини ошириш, ер-сув ресурсларидан ва мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятидан унумли фойдаланиш борасида аниқ мақсадли ишлар олиб бориш бўлиб келибди. Хусусан, вилоят ва туманлардаги собиқ фермер ҳўжаликлари уюшмалари тугатилиб, янги куч ва мақомдаги Фермерлар кенгашлари ташкил этилди. Кенгашларни малакали мутахассислар, жумладан, юридик кадрлар билан тўлдиришга эътибор қаратилмоқда. Уларнинг тезкор ва самарали фаолият юритишлари учун маҳаллий ҳокимликлар

томонидан тегишли бинолар ажратилиб, мебель, компьютер техникаси ва алоқа воситалари билан жиҳозланди.

Шуни таъкидлаш лозимки, фермер ҳўжаликларига ижарага берилган қишлоқ ҳўжалиги ерларидан унумли фойдаланишни таъминлаш, фермер ҳўжаликлари фаолиятининг самардорлиги ва рентабеллигини ошириш мақсадида вилоятда фермер ҳўжаликларининг ер участкалари майдонини мақбуллаштириш юзасидан таъсирчан чоралар кўрилмоқда. Масалан, ҳозир вилоятда 6177 та фермер ҳўжалиги фаолият юритмоқда, уларга қонунда белгиланган тартибда 461 минг 824 гектар экин майдони бириктирилган. Утган йили вилоят фермерлари давлат буюртмасига асосан 241 минг 400 тонна пахта хом ашёси ва 588 минг тонна галла етиштиришга муваффақ бўлдилар. Бундан ташқари, сўнгги тўрт йилда қартошка етиштириш 67 минг тоннага, сабзавот 378 минг тоннага, полиз экинлари 28 минг тоннага, мева ва узум — 60 минг тоннага кўпайди.

(Давоми 2-бетда).

## САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР, МАНФААТЛИ КЕЛИШУВЛАР

Ўзбекистон иқтисодиёти нафақат барқарорлиги, балки унда sanoat тармоқларининг жадал тараққий этиб бораётгани билан барчада ҳавас уйғотаётди. Зеро, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар замирида sanoatни янада ривожлантириш, тармоқлар рақобатбардошлигини юксалтиришдек эзгу мақсад мужассам.

### ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

Пировардида юртимизнинг чекка ҳудудларида ҳам замонавий корхоналар барпо этилиб, уларда импорт ўрнини босувчи, экспортга мўлжалланган янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштириляпти.

Кейинги йилларда sanoatимизнинг, айниқса, чарм-пойабзал соҳаси

тараққий юз бериб, муайян ютуқлар кўлга киритилаяпти. Буларнинг барчаси пойтахтимизда иш бошлаган “Чарм, пойабзал, кийим ва аксессуарлар — 2013” учинчи халқаро sanoat кўргазма-ярмаркасида кенг намойиш қилинмоқда.

“Ўзбекчармпойабзали” уюшмаси ҳамда Ўзбе-

кистон Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда 100 дан ортиқ маҳаллий ва хорижий компанияларнинг кўплаб маҳсулот намуналари, соҳа учун зарур асбоб-ускуналар, иккиламчи хом ашёлар ўрин олган.

(Давоми 2-бетда).

Халқаро sanoat кўргазма-ярмаркасида маҳаллий ва хорижий компанияларнинг 2000 дан зиёд маҳсулотлари намуналари, соҳа учун зарур асбоб-ускуналар, иккиламчи хом ашёлар намойиш қилинмоқда.

## ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — ДЕМОКРАТИЯНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Авал хабар қилинганидек, яқинда Тошкентда “Парламент ва жамоатчилик назорати институтларини янада ривожлантириш: миллий ва Европа тажрибаси” мавзусида икки кунлик халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.

### КОНЦЕПЦИЯ: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Тадбир доирасида парламент ва жамоатчилик тузилмалари томонидан қонунлар, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижроси устидан назоратни амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни кучайтириш йўллари кўриб чиқилди. Унда “Давлат ҳокимияти ва бош-

қаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, мазкур давра суҳбати доирасида ташкил этилган “Жамият ва давлат қурилиши соҳасида ҳуқуқий тажрибаларни амалга оширишнинг назарий ва амалий масалалари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий он-лайн конференция Тошкент, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларидаги сту-

диялар ўртасида интерфаол видеоалоқа асосида ўтказилди. Унда иштирокчилар — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси масъул ходимлари, қонун лойиҳаси нормаларининг синови бўйича ҳуқуқий экспериментни ўтказувчи Ишчи комиссия ва ишчи гуруҳлар аъзолари, жамоатчилик ва ЕХХТ, БМТТД, ЮНИСЕФ каби халқаро ташкилотлар, АҚШ, Франция, Венгрия, Словения ҳамда бошқа мамлакатлар экспертлари ва ҳуқуқшунослари ҳуқуқий тажрибани ташкил этиш назарияси ва халқаро амалиёти мавзусини таҳлил қилиш,

(Давоми 2-бетда).

## МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАР

фуқаролар йиғинлари фаолиятини такомиллаштиришда алоҳида ўрин тутди

Мамлакатимиздаги барча фуқаролар йиғинларининг раислари, масъул котиблари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмаси раҳбарлари учун ўқув-семинарлар ўтказилди.

### СЕМИНАР

Ўқувлар жараёнида иштирокчиларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий билим ва кўникмаларини янада оширишга йўналтирилган мавзулар бўйича машғулотлар ташкил этилди. Айни чоғда улар яқинда қабул қилинган янги таҳрирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги, “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонун-

ларининг мазмун-моҳияти ва уларни амалга ошириш механизми билан батафсил таништирилди. Жумладан, янги таҳрирдаги “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг бўлажак сайловлари ташкил этиш ва ўтказишдаги ўрни ҳамда аҳамияти интерфаол усулларда таҳлил қилиб чиқилди.

(Давоми 2-бетда).



## ЁШЛИК • ШИЖОАТ • НАФОСАТ

Мамлакатимизда спортни ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор замирида миллат саломатлигини асраш, айниқса, эртанги кунимизнинг

давомчилари бўлган ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашдек эзгу мақсад мужассам. Президентимиз ташаббуси билан жорий этил-

ган уч босқичли спорт уйинлари ана шу мақсадни рўйбга чиқаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётди. Дунёда ўхшаш йўқ ноёб

тизимнинг юқори бўғини — Универсиада мусобақаларига бу гал Бухоро шаҳри мезбонлик қилишидан яхши хабардор-сиз. Ёшлик, шижоат ва нафосат байрамнинг бошланишини юртимиздаги каттаю кичик сабрсизлик билан кутмоқда.

Газетамизнинг бугунги сонидан шу мавзуга оид туркум мақолалар, қизиқарли маълумотлар билан танишасиз.



## Самарқанд илҳоми

Самарқанд шаҳрида Ўрта Осиёда илк бор халқаро флорашунослар семинари бўлиб ўтди. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда Флорашунослар миллий ассоциацияси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирдан кўзланган мақсад, ижодкорларни ушбу тарихий масканга жалб этиш, кўҳна ва ҳамisha навқирон шаҳримиздан илҳомланган ҳолда санъат асарлари яратишга ундашдир.

### АНЖУМАН

Беш кун давом этган ушбу тадбирда флорачилар томонидан яратилган, мовий гўмбазли тарихий обидаларимизни акс эттирган турли услуб ва шаклдаги композициялар Улугбек мадрасидаги тантанали кеңашда намойиш этилди. Унда хорижлик сайёҳлар, ижодкор ва расомлар,

кеңг жамоатчилик вакиллари катнашди. Иштирокчилар Самарқанддаги тарихий обидалар, диққатга сазовор жойларни томоша қилишди. Флорашунослар шу вақт давомида олган таассуротларини ўз асарларида тасвирладилар. Уларга мазкур соҳада анчагина тажрибали булган хо-

рижлик мутахассислар йўл-йўриқ кўрсатишди. Тантанали кеңашда флорачилар томонидан 30 га яқин ҳайкалтарошлик намуналари, 50 дан ортиқ гулдасталар намойиш этилди.

**Мамадёр ЗИЁДИНОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

### ХУШХАБАР

Грециянинг Порто-Каррас шаҳрида шахмат бўйича мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионати-нинг голиб ва совриндорлари маълум бўлди.

### Шахматчимиз жаҳон чемпионати совриндори

Дунёнинг қирқдан зиёд давлатидан олти юз нафарга яқин спортчи иштирок этган мазкур нуфузли мусобақада ҳамюртимиз, ФИДЕ устаси Темур Игонин ажабий ўйин кўрсатиб, муҳлису мутахассислар эътиборини тортди. Чунки у бирор марта ҳам магълубиятга учрамади. Жумладан, ўтказилган 9 турнинг бештасида зафар кучган бўлса, тўртта партияда дуранга имзо чекди.

Шу тарихда Темур Игонин жаҳон чемпионати-нинг бронза медали билан тақдирланди.

**Шавкат ОРТИҚОВ** тайёрлади.

## «UNIVERSAL AUCTIONS INVEST» МЧЖ Фарғона вилояти филиали

очиқ аукцион савдосига тақлиф этади.

2013 йил 18 июнь куни соат 10.00 да ўтказиладиган **очиқ аукцион савдосига куйидаги мулклар кўйилмоқда:**

- Олтириқ тумани СИБ томонидан ЖИБ Фарғона шаҳар судининг 2012 йил 11 декабрдаги 1-1104/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтириқ тумани, 11-сонли автотехнонасида сақланаётган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, «Nexia» русумли, давлат рақами 01 C535 GA, ранги оқ, таъмирталаб автомашина.

**Бошланғич баҳоси — 10 121 042 сўм.**

- Қувасой шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Кува тумани судининг 2011 йил 7 сентябрдаги 1-414/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қувасой шаҳар ИИБ жарима майдонида сақланаётган, ишлаб чиқарилган йили номаълум, «BA3-2106» русумли, ранги оқ, давлат рақами 15 Q 7287, таъмирталаб автомашина.

**Бошланғич баҳоси — 1 424 078 сўм.**

- Фарғона тумани СИБ томонидан ЖИБ Марғилон шаҳар судининг 2012 йил 5 апрелдаги 1-72-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қувасой шаҳар ИИБда сақланаётган, ишлаб чиқарилган йили номаълум, «Москвич-2140» русумли, ранги оқ, давлат рақами 15 P 2764, таъмирталаб автомашина.

**Бошланғич баҳоси — 670 366 сўм.**

- Фарғона тумани СИБ томонидан ЖИБ Кува тумани судининг 2013 йил 7 январдаги 1-290/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона тумани ИИБ жарима майдонида сақланаётган, ишлаб чиқарилган йили номаълум, «BA3- 2101» русумли, ранги оқ, давлат рақами 40 S 595 AA, таъмирталаб автомашина.

**Бошланғич баҳоси — 2 747 494 сўм.**

- Учкўприк тумани СИБ томонидан ЖИБ Фарғона вилояти хўжалик судининг 2010 йил 11 июндаги 15-10-06/7910-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, «Т-28» русумли трактор, ранги кўк, давлат рақами 77-57 ФП.

**Бошланғич баҳоси — 3 568 860 сўм.**

- Қувасой шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Кува тумани судининг 2012 йил 27 февралдаги 1-17/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қувасой шаҳар ИИБ жарима майдонида сақланаётган, Қувасой шаҳри, «Герс» шўбжа корхонасида ва Қувасой шаҳри, Валик қишлоғи, «Набижон Хасанжон обод» фермер хўжалигида сақланаётган:

- «BY-304-2» русумли тиркама, бошланғич баҳоси — 1 023 185 сўм.
- Автокар, бошланғич баҳоси — 9 549 725 сўм.
- Плуг, бошланғич баҳоси — 2 574 772 сўм.
- Культиватор, бошланғич баҳоси — 3 507 110 сўм.
- 1975 йилда ишлаб чиқарилган «BA3-2103» русумли автомашина, давлат рақами 40 107 HAA, ранги оқ, бошланғич баҳоси — 2 852 116 сўм.

- Риштон тумани СИБ томонидан ЖИБ Сўх тумани судининг 2012 йил 20 ноябрдаги 1-307-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Риштон тумани ИИБда сақланаётган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, «Nexia» русумли автомашина, кулранг тусли, давлат рақами 15 A 4848.

**Бошланғич баҳоси — 10 303 375 сўм.**

- Фарғона тумани СИБ томонидан ЖИБ Фарғона туманлараро судининг 2013 йил 9 январдаги 1/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона тумани ИИБ ЙХҲГ да сақланаётган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, «Nexia» русумли автомашина, кулранг тусли, давлат рақами 40 Q 411 CA.

**Бошланғич баҳоси — 18 000 000 сўм.**

- Богдод тумани СИБ томонидан ЖИБ Фарғона вилояти хўжалик судининг 2009 йил 10 августдаги 15-09-06/14541-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Богдод ЙХТПТФда сақланаётган:

- 1998 йилда ишлаб чиқарилган, «MA3-5551» русумли автомашина, кулранг тусли, давлат рақами 15 AC 959, таъмирталаб.

**Бошланғич баҳоси — 42 303 444 сўм.**

- 1991 йилда ишлаб чиқарилган, «GA3-3307» русумли автомашина, ҳаворанг тусли, давлат рақами 15 AC 741, таъмирталаб.

**Бошланғич баҳоси — 20 151 126 сўм.**

- 1988 йилда ишлаб чиқарилган, «KamA3-5511» русумли автомашина, ранги қизил, давлат рақами 15 AA 865, таъмирталаб.

**Бошланғич баҳоси — 32 968 791 сўм.**

- 1989 йилда ишлаб чиқарилган «ЗИЛ-431412» русумли автомашина, ҳаворанг тусли, давлат рақами 15 AC 745, таъмирталаб.

**Бошланғич баҳоси — 47 430 008 сўм.**


- 1990 йилда ишлаб чиқарилган, «KamA3-5511» русумли

Аукцион савдоси куйидаги манзилда ўтказилади: Фарғона шаҳри, академик Авлиёхон Муҳаммадиев кўчаси, 64-«А» уй, 16-хона. Мурожаат учун телефон: (+99895) 404-44-78.

Гувоҳнома № 004059.

## POS-ТИЗИМЛАРИ АВТОМАТЛАШТИРИШ

**Micros**  
Ўзбекистондаги расмий ҳамкор



**ЖИЗОЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ:**

- савдо жойлари (магазинлар/супермаркетлар);
- бутик, ноозик-овқат маҳсулотлари савдоси;
- ресторанлар, кафе, барлар;
- фитнес-клублар, бильярдхоналар, боулинг ва бошқалар.

Моноблоклар, кассалар, штрих-код сканерлари, чеклар принтерлари, савдо тарозилари.

Дастурий таъминот: Atol, Microinvest, Айтида. Автоматлаштириш «калити билан».

Кичик Бешёғоч к., 86 (соби. Глинка кўчаси, олдинги шаҳар ГАИси қаршида), тел.: (+998 71) 200-34-34 (қўш. 850, 858), факс: 281-43-65.

www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz

# «ИПОТЕКА-БАНК»

## АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ИПОТЕКА БАНКИ

### «ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ»

очиқ акциядорлик жамияти ва «ЎЗМЕТКОМБИНАТ»

очиқ акциядорлик жамияти

меҳнат жамоаларини ҳамда тармоқдаги барча кончи ва металлурглари

## Ўзбекистон Республикасининг Кон-металлургия саноати ходимлари кўни билан салимий кутлайди!

Уларга барча ишларида муваффақиятлар, улкан зафарлар, оилавий бахт ва саломатлик тилайди!

## «ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ

### ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.

(ҚҚС билан)

«Тошкент труба заводи» ҚҚ сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Қувурлар Х42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади. Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.

Баҳоси — 1 тонна учун 8 950 000 сўм. Тўлов пул ўлжашиш йўли билан. 2013 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.

Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

## «SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖ

савдолар залида 2013 йил 3 ва 18 июнь кунлари соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич очиқ бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Суд департаменти Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Олмазор (собиқ С. Раҳимов) тумани судининг 2010 йил 2 апрелдаги 1-17/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган куйидаги мулк тақдоран савдога кўйилмоқда:

«Ал-Азизбек АГТҚШ» МЧЖга тегишли, Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Оҳалик қишлоғида жойлашган болалар соғломлаштириш оромоғи. Умумий ер майдони 29817,12 кв.м., қурилиш ости майдони 3268,95 кв.м.

**Бошланғич баҳоси — 224 068 753 сўм.**

**Талабгорлар диққатига!** Ушбу кўчмас мулк 2013 йил 3 июнь кундаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 18 июнь кунди сотилгунга қадар бўлиб ўтади.

Мазкур кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокчи бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи микдоридида зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖнинг «Ўзсаноатқурилишбанк» Самарқанд шаҳар «Амир Темур» бўлимидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904882192001, МФО: 00994, СТИР: 301795054.

Манзиллимиз: Самарқанд ш., Абу Райхон Беруний к., 196-уй.  
Тел.: (8-366) 229-03-12, 229-65-88.

Лицензия: 0038. 7714/277

«Ўзвинсаноат-холдинг» компанияси раҳбарияти ва жамоаси Ховренко номи «Самарқанд винокомбинати» очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Олимжон Усмоновга падари бузруквория

**УМАРҚУЛ отанинг**  
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва касоба уюшма қўмитаси Иқтисодиёт назарияси кафедраси катта ўқитувчиси Қувондиқ Шариповга падари бузруквория

**Бахтиёр ШАРИПОВнинг**  
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Юртимизда шакланган, “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада спорт ўйинларини ўз ичига олган уч босқичли ноёб тизимнинг бамисоли қудратли тўлқинга айланиб, миллион-миллион болаларимизни ўз сафига қамраб олаётгани, уларнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом бўлиб улғайиши учун хизмат қилаётганини мамнуният билан таъкидлаш лозим. Айниқса, бу тизимнинг юқори босқичи бўлган Универсиада мусобақалари ёшларимиз учун том маънода чиниқиш ва камолот мактабига айлангани эътиборлидир.**

Ислон **КАРИМОВ**



# ЁШЛИК • ШИЖОАТ • НАФОСАТ

## ИНФРАТУЗИЛМА

“Универсиада — 2013” спорт ўйинларига тайёргарлик жараёнида Бухорода кўплаб янги спорт мажмуалари, ижтимоий инфратузилма объектлари барпо этилди, мавжудлари қайта таъмирланди, замонавий қиёфага келтирилди. Ана шундай масканлардан бири мусобақанинг очилиш ва ёпилиш маросимлари ҳамда энгил атлетика беллашувлари ўтказилган “Бухоро” мажмуасидир.

Айтиш жоизки, қисқа фурсат ичида ушбу иншоот мамлакатимизнинг энг муқташам спорт ареналаридан бирига айланган.

## ЗАМОНАВИЙ СПОРТ ШАҲАРЧАСИ

ланди. Бу ерда давлатимиз томонидан ажратилган 12,5 миллиард сўм бөлгачи катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Жумладан, мажмуа таркибидagi стадионга қайтадан сифатли майдон эълди. Томошабинлар учун 20 мингдан зиёд янги ўриндиқлар ўрнатилди. Аввалгисига нисбатан икки қарра қуватлироқ замонавий ёриқчилар, шунингдек, жаҳон андозаларига мос табло жойлаштирилди.

Буларнинг барчаси беллашувларни завқу шавқ билан кузатиш имконини беради, албатта. Машгулот заллари, жамоалар, мураббийлар, ҳакамлар, шифокорлар хоналари таъмирланди, бугунги кун талабларини қўшади.

Дарҳақиқат, кенг кўламли курилиш ва бунёдкорлик ишларидан ҳар бир бухороликнинг кўнгли тоғдек кўтарилмоқда. Ёшларнинг севинчини айтмай-сизми?! Чунки кўна кентда улкан спорт шаҳарчаси пайдо бўлди. Хусусан, “Бухоро” мажмуаси яқинида Бухоро давлат университети учун спорт зали, шунингдек, футбол майдони барпо этилди. Волейбол ҳамда футбол беллашувлари айнан шу ерда ўтказилади. Университетнинг яна бир залида эса шахматчилик кўч сингадилар. Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институ-

нинг янги спорт зали эса баскетбол мухлислари билан гавжум бўлиши кўтилмоқда. Қолаверса, мамлакатимизнинг энг йирик касб-хўнар таълими масканларидан саналган Бухоро нефть ва газ саноати коллежи спорт залида стол тенниси бахслари ташкил этилади. Коллеж билан юзма-юз жойлашган “Хумо” мажмуасида кураш, дзюдо, белбоғли кураш мусобақалари ўтказилади. Худди шунингдек, кўл тўли, теннис, сузиш беллашувлари ўтказилган Бухоро олимпия захиралари спорт коллежи зали, “Дилқушо”, “Семурғ” мажмуаларида ҳам талаба-спортчиларнинг ўз маҳоратларини намоиш этишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Хуллас, мухлисларни олдинда қизгин бахслар, ҳаяжонли ва унутилмас дақиқалар кутмоқда.

Истам **ИБРОҲИМОВ**, «Халқ сўзи» мухбири.

## ИСТИҚЛОЛ берган имкон

Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик туфайли ҳар бир байрамни эмин-эркин нишонлаб, турли анжуманлар, спорт тадбирларини кўтаринки кайфиятда ўтказаямиз. Бухоро шаҳрида бошланиши кўтилган Универсиада мусобақалари ҳам мана шу ёруғ кунларимиз шарафатидандир.

Амир **ГАРИФУЛИН**, Бухоро шаҳридаги 12-олимпия захиралари спорт мактаб-интернати мураббийи:

— Албатта, истиқлол берган имкониятларни ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Эътибор беринг, Универсиадага тайёргарлик жараёнида Бухорода қандай аjoyиб спорт қосоналари барпо этилди, мавжудлари таъмирланди. Ана шу мажмуаларнинг барчаси давлатимиз раҳбарининг тухфаси сифатида узоқ вақт халқимизга хизмат қилади. Универсиадани мен маҳорат ва таҳриба мактаби, деб

биламан. Буни ўз фаолиятимдан келиб чиқиб айтаяпман. 2004 йилда Самарқандда, 2007 йилда Тошкентда бўлиб ўтган худди шундай мусобақаларнинг энгил атлетика бахсларида иштирок этгандим. Ушундан иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаб, совриндор бўлганман. Кейинчалик қатор халқро турнирларда иштирок этдим. Қисқаси, спорт туфайли ҳаётда ўз ўрнини тоғдим.

Жаҳонгир **САТТОРОВ**, Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институти талаббиси:

— Универсиада — ҳаётимдаги биринчи жиддий мусобақа. Уни катта ҳаяжон билан кутаяпман. Шубҳасиз, сузиш бахсларида рақобат анча кучли бўлади. Шу босис ҳам мураббийимиз Анвар Жалолов бошчилигида беллашувларга пухта ҳозирлик кўрдик. Совриндорлар қаторидан жой олиш ниятидамыз. Бир жиҳатдан худаям қувондим. Биз болаликдан сузиш билан шуғулланиб келаямиз “Семурғ” сув спорти саройи Универсиада туфайли таъмирланди, барча қулайлик яратилди. Эндиликда ушбу саройда ҳар қандай халқро мусобақани ҳам ўтказиш мумкин. Энг муҳими, бундай саъй-ҳаракатлар вилоятимизда сузиш спорт турининг янада ривожланишига катта туртки беради.

И. **ИСРОИЛОВ** ёзиб олди.

## ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Юртимизда спорт инфратузилмаси тобора мустақамланиб бораёпти. Масалан, биргина ўтган йилда 92 та болалар спорт объектлари ва 16 та сузиш ҳавзаси қурилди ҳамда реконструкция қилинди.

Сўнгги беш йилга назар солсак, мамлакатимизнинг барча вилоятларида намунавий лойиҳалар асосида ҳажми 25 метрга 12 метр бўлган 14 та янги, замонавий ёпиқ сузиш ҳавзаси барпо этилди, 13 та сузиш ҳавзаси қайтадан қурилди, 83 таси капитал таъмирланди. Шу даврда 110 та сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди.

2003 — 2012 йилларда юртимизда 23 мингта спорт тадбири ўтказилган бўлса, уларнинг қарийб 17 мингтаси қишлоқ жойларда ташкил этилди. Ана шу тадбирларда 10,5 миллион нафардан ортиқ бола қатнашди.

Биргина 2012 йилнинг ўзида спортчи йигит-қизларимиз 204 та медаль соҳиби бўлдилар. Уларнинг 81 таси олтин, 61 таси кумуш ва 62 таси бронза медалидир.

Бугунги кунда 120 турдаги спорт инвентарлари ва ускуналарнинг 114 таси мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилмоқда.



“Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада спорт ўйинлари ўғил-қизларимиз орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, халқро майдонларда Ватанимиз шайнини муносиб ҳимоя қила оладиган истеъодларни аниқлаш ва улар маҳоратини оширишнинг ўзига хос тизимига айланди.

## Эзгу орзулар остонасида



Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган бундай беллашувлар нафақат унинг иштирокчиларига, балки бутун халқимизга олам-олам завқ улашади.

— Уч босқичли тизим ҳақида сўз кетганда бежиз унга “Кичик Олимпиада” дея таъриф берилмайди. — дейди Урганч давлат университети спорт мураббийи Нурбек Искандаров. — Чунки ушбу спорт мусобақаларининг ҳар бири халқаро Олимпиада қоидаларига мувофиқ ўтказилади. Масалан, мусобақа машъаласини олайлик. Иштирокчилар худди Олимпиадада бўлгани каби уни қўлдан-қўлга узатган ҳолда юртимиз шаҳару қишлоқлари бўйлаб кўп минг километр

йўл босиб ўтишади ва финал босқичи бўладиган вилоятга етказишади. Бу маросим ёшлар хотирасида бир умрга унутилмас воқеа сифатида муҳрланиб қолади. Қолаверса, шу орқали улар қалбига юксак марралар сари интилиш пайдо бўлади.

Бундан уч йил аввал мен ҳам мана шундай ҳаяжонли онларни бошимдан ўтказган эдим. Аникроги, Андижонда кетган Универсиада мусобақаларининг дзюдо беллашувларида қатнашиб, олтин медални қўлга киритганман. Бундан худаям фахрланаман. Урганч давлат университетининг магистратура босқичини битириб, мана энди шу таълим

## ҲОЗИРЛИК

даргоҳида мураббийлик қилаёпман. Айнан мураббий сифатида ютуқларга эришсам дейман.

Дарҳақиқат, уч босқичли мусобақалар орқали қалбда спортга муҳаббати мустақамланган Нурбек каби ёш мутахассисларимизни кўрганда, қувончимиз икки қарра ортади. Халқро мусобақалардан совриндор бўлиб қайтаётганларини айтмай-сизми?! “Универсиада — 2013” мусобақаларининг финал босқичига тайёргарлик кўраётган 90 нафар спортчилардан иборат Хоразм вилояти терма жамоаси аъзоларининг ҳам улкан орзу-умидлари бор.

— Вилоятдаги энг муқташам спорт иншоотлари — Урганч олимпия стадиони, теннис корти, сузиш ҳавзалари улар ихтиёрига берилган, шунингдек, Урганч давлат университетининг учта спорт зали ва спорт майдонларида ҳам машгулотлар қизгин давом этаётти, — дейди волейбол бўйича ўсмирлар жамоаси мураббийи Фарҳод Машарипов. — Вақилларимизнинг Универсиада бахсларида муваффақиятли қатнашиб, совриндор бўлишларига ишонаман. Бундай дейишга асос бор, албатта. Айтилик, волейболчи йигитларимиз Ўзбекистон терма жамоасида, республика олий лигасида қатнашиб, маҳорат оширишган. Қолган спорт турларида ҳам шундай ёшлар жамланган.

Умуман, Урганч давлат университетида ёшларни спортга жалб қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, “Талаба” спорт клуби томонидан ташкил этилган энгил атлетика, сузиш, дзюдо, кураш, футбол каби ўнлаб спорт секцияларидаги машгулотларда 1200 дан зиёд йигит-қиз иштирок этаётти. Ажаб эмас, ярқин келажақда уларнинг номи нафақат юртимиз, балки бутун дунёга ёйилса.

Ойбек **РАҲИМОВ**, «Халқ сўзи» мухбири.

## Мухлисларга қувонч бағишлаймиз

Ишончим комилки, Универсиадада энг кўп томошабинни футбол беллашувлари жалб этади.

Авалги мусобақаларда шунинг гувоҳига айланганмиз ва бири-бирдан аjoyиб голлардан баҳра олганмиз. Саралаш ўйинларида футболчиларимиз наманганлик тенгқурларини 2:0, Андижон вақилларини эса 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, Бухоро йўлнамасига эга бўлишди. Таркибимизда мамлакатимиз миллий терма жамоаси аъзоси Ислон Тўхтажўев, “Локомотив” клуби ўйинчиси Павел Смоляченко, “Нефтчи” вақиллари — Шуқур Пулатов,

Иқбол Бобохонов ҳамда Сардор Мирзаев бор. Улар қаторида Президентимиз совғаси билан тақдирланган Нодир Камоловни ҳам айтиш мумкин. Хуллас, жамоамиз кучли. Биз аjoyиб ўйин кўрсатиб, мухлисларга қувонч улашмоқчимиз.

Собирхон **АЪЗАМОВ**, Фарғона давлат университети ўқитувчиси, футбол бўйича Универсиадада иштирок этадиган вилоят жамоаси мураббийи.

## ҚАТЪИЯТ

## ИНТИЛИШ

Ҳомидов раҳбарлигида сўнгги тайёргарлик машқларини ўтказаямиз.

“Универсиада — 2013” спорт ўйинларидан умидимиз катта. Жамоадошларим — Аббор Фатхуллоев, Барно Хусанова, Сардор Раҳимов билан биргаликда совринли ўринларни эгаллаб, наманганлик стол теннисчилар нимага қодирлигини кўрсатишга ўзимизни жисмоний ва руҳий жиҳатдан қўлга турибмиз.

Дилнавоз **ЛАТИПОВА**, стол тенниси бўйича Наманган вилояти терма жамоаси аъзоси.

## Интернетда танишинг: universiada.uz

“Универсиада — 2013” спорт ўйинларига оид энг сўнгги маълумотлар, беллашувларнинг бориши, жамоалар кўлга киритган натижалар, иштирокчиларнинг ёрқин лаҳзалари муҳрланган суратлар ҳамда видеороликлар, шунингдек, мезбон вилоят — Бухоронинг диққатга сазовор жойлари ҳақида интернетда махсус ташкил этилган [www.universiada.uz](http://www.universiada.uz) сайти орқали ҳам хабардор бўлиб боришингиз мумкин.

— Республика Маънавият тарғибот марказининг вилоят бўлими биносида матбуот маркази ташкил қилинган, — дейди “Универсиада — 2013” спорт мусобақаларини ОАВда ёритиш масалаларига масъул ишчи гуруҳ аъзоси А. Рустамов. — Бу ерда компьютер воситалари етарли бўлиб, улар интернетга уланган. Бундан ташқари, тезкор ахборот алмашиш учун телефон хизмати йўлга қўйилган. Чет эллик журналистларга кўмаклашиш мақсадида марказ ишга таржимонлар ҳам жалб этилаётти. Хусусан, Бухоро давлат университетининг тажрибали чет тили фани ўқитувчилари бу борада беминнат ёрдам беришади.

Стол тенниси вилоятимизда оммалашган спорт турларидан биридир. У билан мунтазам шуғулланиб, турли мусобақаларда маҳоратини намоиш этаётган илхосмандлар орасида ёшларнинг кўпчилиги кишини қувонтиради. Жумладан, мазкур спорт тури бўйича талаба-ёшлардан шакланган вилоят терма жамоасининг Универсиада ўйинларида фаол қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келаётгани фикримиз исботидир.

## МУВАФФАҚИЯТЛАР ҲАЛИ ОЛДИНДА

Кичик Олимпиадага айланиб бораётган Универсиада мусобақалари илк бор Наманганда ташкил этилгани кўпчилигининг ёдида. Ушунда теннисчиларимиз голиблик шоҳсупасига кўтарилиб, Президентимизнинг махсус совринини қўлга киритишганди.

Орада ўтган вақт Универсиаданинг навбатдаги мусобақалари учун пухта ҳозирлик кўриш даври бўлди. Жорий йил бошида мазкур тадбирда қатнашиб

истагини билдирган талабалар ўртасида саралаш ўйинлари ўтказилди. Унинг вилоят босқичида мен тахсил олаётган Наманган давлат университети жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, Бухорода бўладиган мусобақада вилоят шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқини қўлга киритдим. Тўрт кишидан иборат жамоамиз аъзолари стол теннисига алоҳида меҳр қўйиб, ўзига яраша маҳорат ва таҳриба орттирган йигит-қизлардир. Барчамиз стол тенниси сабоқларини Чуст олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактабидан олганмиз. Айни пайтда устозимиз Мухаммадҷон

Таҳририятга келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тогаев томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ф. Бўтаев. Навбатчи муҳаррир — М. Жониҳонов. Навбатчи — З. Худойшукуров. Мусахҳиҳ — Ҳ. Топшўжаев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.30 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонуқчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

